

"Ўзагросуғурта" АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида эълон қилади.

2021 йилнинг 24 март куни соат 11.00 да "Ўзагросуғурта" АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Бошқарувининг Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 19-мавзе, 61/2 уйда жойлашган маъмурий биносида ўтказилиши режалаштирилган.

Кун тартиби:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида шакллантирилган 2020-2021 йиллар молиявий ҳисоботини миллий ва халқаро аудит стандартлари бўйича аудиторлик текширувидан ўтказадиган, Жамиятнинг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқарадиган аудиторлик ташкилотини аниқлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг чегаравий миқдорини белгилаш.
4. Жамият Кузатув кенгаши аъзосининг ваколатини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида.
5. Жамият Кузатув кенгаши аъзосини сайлаш тўғрисида.
6. Жамият Тафтиш комиссияси аъзосининг ваколатини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида.
7. Жамият Тафтиш комиссияси аъзосини сайлаш тўғрисида.

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатини тузиш учун 2021 йилнинг 19 март куни ҳолатига ва умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун жорий йилнинг 3 март куни ҳолатига акциядорлар реестри шакллантирилади.

Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишга оид ахборот (материаллар) билан "Ўзагросуғурта" АЖ Бошқарувининг Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 19-мавзе, 61/2 уйда жойлашган маъмурий биносида танишишлари мумкин.
маълумот учун телефон: +998-71-216-57-69.

"Ўзагросуғурта" АЖ Кузатув кенгаши.